O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARGONA VILOYATI
BAGDOD TUMANI HOKIMI
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
БАГДАДСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

« 08 » 10 2018 йил №1018 Бағдод шахарчаси.

Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрь 965-сон билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6,25 моддаларига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2019 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 945 нафарини ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун 0,7 фоиз (62 киши);

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 4,7 фоиз (442 киши);

Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлар сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 0,4 фоиз (36 киши);

ногиронлар учун 3 фоиз (337 киши);

туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 0,4 фоиз (36 киши);

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 0,2 фоиз (23 киши);

одам савдосидан жабрланганлар учун 0,10 фоиз (9 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилайди.

2. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши керак, шу жумладан:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

3. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёкар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоравул.

4. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрьдаги 965-сонли қарори билан тасдикланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

йил бошлангунга қадар ўн кундан кечикмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин, ушбу тўғрисида туман Бандликка кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу тўғрида туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин ўн кундан кечикмай ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар чоракда туман Бандликка кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиши;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

5. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

6. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эгадир.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (А.Имомов) бир ҳафта муддатда ушбу қарорни 1-бандида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Белгилансинки, туман ҳокимининг 19 октябр 2017 йилдаги №1272-сонли қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинсин, 2019 йилнинг 1-январдан бошлаб кучга киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ғ.Солиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б.: / А.Турсунов.

BAYON QISMI

Бағдод тумани хокимининг
2018 йил «08» 04 апрель даги
1018 -сонли қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам микдорини белгилаш бўйича комиссия

Т А Р К И Б И:

Ғ.Солиев - Комиссия раиси, туман хокимининг ўринбосари

А.Имомов - Комиссия раисининг ўринбосари, Бандликка кўмаклашиш маркази директори.

А Ъ З О Л А Р И:

И.Қаландаров - Комиссия котиби, касбга ўқитиш, жамоат ишига жалб этиш ва ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мутахассиси

Ж.Хасанов - Бағдод тумани ИИБ бошлиғи

Т.Тожиева - Туман ХТМФМТТЭ бўлими мудири

М.Умарова - Туман хокимлиги хузуридаги Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахсларни ижтимоий кўникмалар хосил қилиш маркази рахбари

А.Усмонов - Туман хокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича мутахассис

Туман ҳокимлиги умумий
бўлим мудири: Ғ.Эшонхонов.

Бағдод туман ҳокимининг
2018 йил "8" октябрдаги
1018 -сонли қарорига
2-илова

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	Штат жадвали бўйича ходимларнинг умумий сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:						
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
1	"Бағдоддавсувмахсусэпудрат" Давлат унитар корхонаси	87	9		2	2	3		2	
2	"Bag'bdoddonmahsulotlari" zavodi	719	72	5	34	4	22	1	5	1
3	"Bag'dod eksperimental-tajriba paxta tozalash zavodi"	500	50	4	20	4	15	2	4	1
4	Ободонлаштириш бошкармаси	181	19	1	6	2	6	1	2	1
5	29 Болалар мусика ва санат мактаби	29	3		2		1			
6	Баркамол авлод болалар маркази	30	3		2		1			
7	Бағдод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси	111	11		3	1	4		3	
8	16 сонли мусика ва санат мактаби	65	6	0	4		2			
9	88-сонли махсус мактаб интернат	165	17	4	6	1	5	1		
10	Бағдод туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази	78	8	2	2		3	1		
11	Бағдод тумани Ветеренария бўлими	29	3		1	1	1			
12	Бағдод туман Болалар ўсимрлар спорт мактаби	105	11		5	2	4			
13	Бағдод туман Тиббиет бирлашмаси	2099	210	17	106	6	62	13	4	2
14	Маданият ишлари бўлими	42	4		2		2			
15	Тошкент тиббиет академияси Фаргона филиали Бағдод академик лицейи	60	6	1	3		2			

16	Бағдод маиший хизмат курсатиш ва сервис касб хунар коллежи	55	5		3		2			
17	Богдод педагогика коллежи	78	8	1	3		3	1		
18	Богдод агросаноат касб хунар коллежи	79	8		4	1	3			
19	Богдод иктисодиет ва маиший касб хунар коллежи	85	8	1	3	1	3			
20	Бағдод транспорт ва курилиш касб хунар коллежи	117	12	2	5	1	4			
21	Халк таълими бўлими	35	3		1		2			
22	Кишлок хужалик касб хунар коллежи	150	15	2	5	1	5	2		
23	1 умумий урта таълим мактаби	85	8		4		3	1		
24	2 умумий урта таълим мактаби	65	6		3		2		1	
25	3 умумий урта таълим мактаби	66	6	1	2		2	1		
26	4 умумий урта таълим мактаби	97	10	1	6		3			
27	5 умумий урта таълим мактаби	78	8		4	1	3			
28	6 умумий урта таълим мактаби	109	11	1	4		4	2		
29	7 умумий урта таълим мактаби	39	4		2		2			
30	8 умумий урта таълим мактаби	85	8		4	1	3			
31	9 умумий урта таълим мактаби	57	5		3		2			
32	10 умумий урта таълим мактаби	110	11	2	4		4	1		
33	11 умумий урта таълим мактаби	97	10	1	6		3			
34	12 умумий урта таълим мактаби	62	6		3	1	2			
35	13 умумий урта таълим мактаби	74	7	1	3		3			
36	14 умумий урта таълим мактаби	65	6		4		2			
37	15 умумий урта таълим мактаби	62	6		4		2			
38	16 умумий урта таълим мактаби	54	5		3		2			
39	17 умумий урта таълим мактаби	105	11	1	5		4	1		
40	18 умумий урта таълим мактаби	89	9		5		3	1		
41	19 умумий урта таълим мактаби	71	7	1	2	1	3			
42	20 умумий урта таълим мактаби	74	7		3		3			1
43	21 умумий урта таълим мактаби	64	6		3		2	1		
44	22 умумий урта таълим мактаби	92	9		5		3			1
45	23 умумий урта таълим мактаби	65	6		4		2			
46	24 умумий урта таълим мактаби	59	6		4		2			
47	25 умумий урта таълим мактаби	65	6	1	3		2			
48	26 умумий урта таълим мактаби	121	12	1	6	1	4			
49	27 умумий урта таълим мактаби	84	8		4		3			1
50	28 умумий урта таълим мактаби	64	6		4		2			
51	29 умумий урта таълим мактаби	76	7	1	2		3	1		
52	30 умумий урта таълим мактаби	85	8		5		3			
53	31 умумий урта таълим мактаби	57	5		3		2			
54	32 умумий урта таълим мактаби	39	4		2		2			
55	33 умумий урта таълим мактаби	35	3		0		2	1		
56	34 умумий урта таълим мактаби	45	4	1	1		2			
57	35 умумий урта таълим мактаби	74	7		3	1	3			
58	36 умумий урта таълим мактаби	40	4		2		2			
59	37 умумий урта таълим мактаби	53	5		3		2			
60	38 умумий урта таълим мактаби	73	7		3		3		1	
61	39 умумий урта таълим мактаби	89	9		4	1	3	1		
62	40 умумий урта таълим мактаби	114	11	1	5	1	4			
63	41 умумий урта таълим мактаби	45	4		1		2	1		
64	42 умумий урта таълим мактаби	80	8	1	3	1	3			
65	43 умумий урта таълим мактаби	61	6		3		2		1	
66	44 умумий урта таълим мактаби	80	8		3		3	1		1
67	45 умумий урта таълим мактаби	47	4		2		2			

68	46 умумий урта таълим мактаби	51	5		3		2			
69	47 умумий урта таълим мактаби	32	3		2		1			
70	48 умумий урта таълим мактаби	32	3		2		1			
71	49 умумий урта таълим мактаби	50	5		3		2			
72	50 умумий урта таълим мактаби	35	3		1		2			
73	51 умумий урта таълим мактаби	55	5	1	2		2			
74	52 умумий урта таълим мактаби	35	3		1		2			
75	1 ихтисослаштирилган мактаб интернат	61	6		4		2			
76	2 ихтисослаштирилган давлат умум таълим мактаби	47	4	1	1		2			
77	3 ихтисослаштирилган мактаб интернати	68	7		4		3			
78	2 сонил мактабгача таълим муассасаси	31	3		2		1			
79	3-сонли мактабгача таълим муассасаси	31	3		2		1			
80	5 сонли мактабгача таълим муассасаси	39	4	1	1		2			
81	6 сонли мактабгача таълим муассасаси	26	2		1		1			
82	9 сонли мактабгача таълим муассасаси	25	2		1		1			
83	10 сонли мактабгача таълим муасасаси	32	3		2		1			
84	11 сонли мактабгача таълим муассасаси	41	4	1	1		2			
85	12 сонли мактабгача таълим муассасаси	32	3		2		1			
86	13 сонли мактабгача таълим муассасаси	33	3		2		1			
87	14 сонли мактабгача таълим муассасаси	39	4	1	1		2			
88	15-сонли мактабгача таълим муассасаси	55	5	1	2		2			
89	18 сонли мактабгача таълим муассасаси	22	2		1		1			
90	19 сонли мактабгача таълим муассасаси	25	2		1		1			
91	20 сонли мактабгача таълим муассасаси	26	2		1		1			
92	21 сонли мактабгача таълим муассасаси	38	3		1		2			
93	22 сонли мактабгача таълим муассасаси	27	2		1		1			
94	25 сонли мактабгача таълим муассасаси	32	3		2		1			
95	26 сонли мактабгача таълим муассасаси	24	2		1		1			
96	27 сонли мактабгача таълим муассасаси	33	3		2		1			
97	29 сонли мактабгача таълим муассасаси	25	2		1		1			
98	30-сонли мактабгача таълим муассасаси	40	4		1		2	1		
99	31-сонли мактабгача таълим муассасаси	42	4		2		2			
100	32 сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3		2		1			
101	33 сонлимактабгача таълим муассасаси	38	3	1	0		2			
102	35 сонли мактабгача таълим муассасаси	36	3		1		2			
103	36 сонли мактабгача таълим муассасаси	25	2		1		1			
104	38 сонли мактабгача таълим муассасаси	35	3		1		2			
105	39 сонлимактабгача таълим муассасаси	23	2		1		1			
106	40 сонлимактабгача таълим муассасаси	32	3		2		1			
107	41 сонли мактабгача таълим муассасаси	34	3		1		2			
108	42 сонли мактабгача таълим муассасаси	27	2		1		1			
109	45 сонли мактабгача таълим муассасаси	31	3		2		1			
110	53 сонли мактабгача таълим муасасаси	21	2		1		1			
111	55 сонлимактабгача таълим муассасаси	26	2		1		1			
	ЖАМИ:	**9692**	**945**	**62**	**442**	**36**	**337**	**36**	**23**	**9**

Туман ҳокимлиги умумий
бўлим мудири: **Ғ.Эшонхонов.**